



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - aprel

753 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Мархум Тангрибердиев Эгамбердининг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Тангрибердиев Жўрабек Эгамбердиевичнинг мархум отаси Тангрибердиев Эгамбердининг “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 6 апрелдаги ШЯ-Т-1513-сонли аризасини, “Қипчоқ” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 5 апрелдаги 1144-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган 4 (тўрт)та хонадан иборат, яшаш хоналари 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 39,96 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 52,92 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 92,88 квадрат метр, қурилиш ости майдони 125,38 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Тангрибердиев Эгамбердига мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Тангрибердиев Эгамбердининг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қурилиши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Тангрибердиев Эгамбердининг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев